

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИДА ЎЗБЕК АЁЛИ ТИМСОЛИ

Умаралиев Хумоюн Абдулахат ўғли

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти 3-курс талабаси

**Аннотация.** Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Жувонбоз”, “Бахтсиз куёв”, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” каби асарларидаги аёллар образи орқали ижтимоий муҳит ва маиший ҳаёт муаммолари, севги-муҳаббат ва вафо мавзуси, висол ва ҳижрон каби туйғулар талқини ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** исрофгарчилик, орзу-ҳавас, бесоқолбоз, Шарқ аёли, гўзалликда тенгсиз, малак, ёрқин севги.

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы социальной среды и быта, тема любви и верности, интерпретация таких эмоций, как встреча и разлука с помощью женских образов в произведениях Абдуллы Кадири, таких как «Джувонбоз», «Несчастнқй жених», «Минувшие дни» и «Скорпион из алтаря».

**Ключевые слова:** расточительность, мечтательность, гей, женщина Востока, бесподобная в красоте, ангел, светлая любовь.

**Annotation.** The article deals with the problems of the social environment and everyday life, the theme of love and fidelity, the interpretation of such emotions as meeting and separation with the help of female images in the works of Abdulla Kadiri, such as "Juvonboz", "Unfortunate groom", "Past days" and "Scorpio from altar."

**Key words:** extravagance, daydreaming, gay, woman of the East, incomparable in beauty, angel, bright love.

Абдулла Қодирийнинг асарлари орқали биз ўша давр тарихини, ижтимоий аҳволини, сиёсий жараёнлардан тортиб энг кичик жабҳаларгача кўра оламыз. Унинг асарлари шу қадар кенг қамровлики, уни ўқиган оддий халқ ҳам, зиёли қатлам ҳам ўзига нимадир олади. Унинг шундай етук асарларидан бири “Диёри бакр” асари ҳисобланади. Мазкур асардан ўрин олган кичик мақола ва ҳикоячаларда Қодирийнинг ички дунёси, холис сўзи, журъати ва инсоний бурчи кабилар акс этадики, буни зийрак китобхон сатрлардаги ёзувчининг қалб оғриқлари орқали ҳис қилади. Давр ва турмуш талаби, бу жараёнда инсон эҳтиёжи, қарашлари ҳамда манфаати эканлигини иждокорнинг кичик асарлари асосида кузатишимиз мумкин.

Ушбу асар 1910-20, 30-йиллардаги матбуот матни асосида тайёрланди. Унда аёллар тимсоли ҳам ўзига хос. Асарда ўша давр нафаси уфуриб туради. Хусусан, “Жувонбоз” асарида келтирилган Солиҳа образи эрига вафодор аёл тимсолини кўзимиз олдида гавдалантиради. У эрининг мактубини кутади, мактуб келгач, ўзида йўқ суюниб кетади. Лекин унинг эри яхши, самимий инсон бўлгани билан Солиҳанинг фарзанди бесоқолбоз бўлиб, тақдир уни фарзандидан куйдиради. Демак, ўша даврда бесоқолбозлик жамият кушандасига айланган.

“Бахтсиз куёв” асаридаги Раҳима образи ёрга вафодор, ёри учун ўз жонини фидо қилувчи аёллар тимсолини гавдалантиради. У ёрининг қийин аҳволини кўриб юраги ачишади, ёри учун ҳатто ўз жонини фидо қилади. Бу асар қаҳрамони Раҳиманинг эри тўй орқасидан ката қарзга ботиб қолади ва қийинчиликлар гирдобада қолади. Ана шу ҳолат асарнинг асосини ташкил этади.

Абдулла Қодирий асарларидаги аёллар образи билан Чўлпон, Ҳамза асарларидаги аёллар образи фарқли. Негаки, Қодирий асарларидаги аёллар образида ҳурлик ҳолатлари кузатилса, Чўлпон ва Ҳамза асарларидаги аёллар образида аёлларга ўтказиладиган зуғум кўп учрайди.

Абдулла Қодирий Кумуш, Раъно, Солиҳа, Ҳабиба, умуман олганда, асарларида ўзига хос образ яратган аёллар мард, жасур, ёри учун жонини беришга тайёр кучли аёллардир. Абдулла Қодирий ўз асарларида кучсиз аёлларни тасвирлашдан кўра кучли аёлларни тасвирлашга интилган, чунки у ўзбек аёлларини ана шундай кучли, матонатли бўлишини орзу қилган, десак муболаға бўлмайди

Ҳақиқатан ҳам, маърифатпарварларимиз ўз асарлари орқали аёллар озодлиги, эркинлиги учун кураш олиб боришганлиги ўша давр асарларидан кўзга ташланиб туради. Бу эса ҳамма даврда аёлларга ҳурмат-эътибор мавжуд бўлганлигидан далолатдир.

Тўйлар, турли маросимлар билан боғлиқ муаммолар, исрофгарчилик ва дилхираликлар ҳамма вақт асосий муаммо бўлиб келган. Бунга сабаб, инсонларнинг тор дунёқараши, атрофдаги одамларнинг гапига қараб иш қилиши ва албатта ҳаддан ортиқ орзу-ҳавасга берилишидир. Бундай инсонлар нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам қийин вазиятда қолдириши, ҳаттоки ҳаётига зомин бўлиши ҳам мумкин. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси ҳисобланган Абдулла Қодирий ўзининг “Бахтсиз куёв” номли драмасида айнан шу муаммони кўтарган. Муаллиф қолоқ одатлардан бири – ҳашаматли тўй ортиқча сарф-харажатлар ва уларнинг кўнгилсиз оқибатларини ёритади [1].

Минг-минглаб ўқувчилар қалбини асир этган малак – Кумушбиби ўз замонасининг, ўз ижодкорининггина эзгу армони бўлиб қолмай, бугунги китобхонни ҳам ўзига мафтун этиб келади.

Мазкур асар ҳаётни бўямасдан ва бежамасдан, ҳолисона кўрсатиб беришга муваффақ бўлган тарихий асар бўлиши баробарида ҳаётнинг санъаткорона бадиий таҳлилидир. Асар муҳаббат, висол ва ҳижрон асосида қурилган.

Муҳаббат оддий эмас, олий туйғудир. Асарнинг “Қутлуғ бўлсин” деб номланган сакизинчи бобининг қирқ учинчи бетида: “- Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир”, деган сўзлар келтирилади. Шу муҳаббат асосида қурилган асар сюжети инсонийликнинг барча гўзал хислат ва фазилатларини очиқ беради. Маънавий ва руҳий дунёси гўзал инсоннинг севгию садоқати ҳам ўзи каби гўзал бўлиши муқаррар.

Авалло, гўзаллик ва нафосат – инсонда олий туйғуларни юзага келтириши, покликка, жисмоний ва маънавий мукамалликка эҳтиёж уйғотиши табиий. Ҳа, Кумуш шарқ гўзали – гўзаллик намунаси. “Қора зулф”, “қуюқ киприк”, “тим қора кўз”, “ғуборсиз оқ юз”, “латиф бурун”, “қора хол” – бу таърифларнинг ҳар бириёқ гўзал малакни эслатади. Ижодкор орзу ва армонига айланган бу олижаноб аёл тимсолида беҳад гўзалликдан ташқари, заковату шижоатни ҳам кўрамыз.

Аёллардаги ички руҳий-маънавий гўзаллик уларнинг ташқи гўзаллиги билан уйғундир. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари қаҳрамони Кумуш ҳақида М.Қўшжонов шундай ёзади: “Ўтган кунлар”да қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши, жисмоний қиёфаси уларнинг маънавий, руҳий гўзаллигига монанд қилиб тасвирланади. Кумушбиби – чин инсоний муҳаббат эгаси, шу билан

баробар, у ташқи кўринишида ҳам, ўзининг нафис ҳаракат ва қилиқлари билан ҳам ўша давр Шарқ қизлари ичида гўзалликнинг намунаси бўларликдир” [2; 38]. Кумушбибининг нафис хатти-ҳаракатлари, мулойим муомаласи, ўткир ақли, садоқати, умуман айтганда, маънавий гўзаллиги ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Ушбу қаҳрамон портрети ўзида Шарқ аёлига ва чинакам ўзбек қизига хос сиймони ўзида гавдалантиргани асарнинг умуминсоний ва миллий ғоялар билан суғорилгани далилидир.

Тарихий манбалардан маълумки, ҳаётда ҳам, адабиётимиз дурдоналарида ҳам заковатли, жасоратли аёл-қизларимиз ҳамisha бўлган. Шундай экан, Кумушбибидек қиз эри ва отасининг бегуноҳ қатл қилинишига қандай чидай олсин. Унда Тўмарислар, Ширину Дилоромлар қони уйғонмасинми? Ижодкор орзую армонига айланган бу олижаноб аёл тимсолида беҳад гўзалликдан ташқари, заковату шижоатни ҳам кўрган бўлса не ажаб. Навоий ўз Ширинида давлат арбоби ва вафодор аёл тимсолини кўрган бўлса, Қодирий Кумушбибида хушрўйлигу зукколикни, ўзига хос бир жасоратни кўрганлиги ҳақиқат. Кумуш ана шу хусусияти билан ҳам бошқа барча образлардан ажралиб туради. У – нисбатан фаол образ. Айрим ҳолларда бизга Отабекдан-да фаолроқ кўринади.

Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар”ида илк маротаба аёл кишининг реалистик характериға мувофиқ, турли томонларни Кумуш портретида, руҳиятида, ҳаракати ва туриш-турмушида тақдирнинг ҳаётий лавҳаларида чизиб, кўрсатиб берган. Кумушбиби биз билган Тўмарис, Юнус пари, Ширин, Лайли, Барчин, Қалдирғоч каби адабий қаҳрамонларға нисбатан анча ҳаётий, реал.

Абдулла Қодирий гўзалликда бетакрор Кумушбибини маърифатли, маданиятли, одобли ва юқори ахлоқли қилиб яратди. Афсуски бундай гўзаллик соҳибаси нобакор муҳитнинг, кундошлик, кўпхотинлилик деган балойи офатнинг қурбони бўлди. Олий туйғуларидан, армонларидан туғилган ўз идеалини бевақт ўлимға маҳкум қилишдек оғир юкни зиммасига олган муаллиф ўша давр муҳитининг аччиқ ҳақиқатини кўрсатиб берди. Ҳар қандай зиёли инсон, ҳар бир маърифатпарвар жаҳид бу иллатни илдизи билан йўқ қилиш тарафдори бўлгани шубҳасиз. Дарҳақиқат, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, ҳақ-ҳуқуқлари масаласининг тарихий илдизларини ўргансак, аёлларнинг ҳимоячиси ва ҳалоскори ислом дини бўлиб, гўё зулматдан кейин чиқиб келган нур каби бўлди. Исломдан олдинги даврларда аёлларнинг ҳуқуқлари, эрк ва озодлиги нафақат поймол этилган, балки жоҳилия даврида уларнинг инсоний кадр-қимматлари поймол этилган. Ислом дини ер юзи бўйлаб ёйилар экан, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми юксалиб борди.

Ислом, шариат ва аёл ҳуқуқи масаласида ислом жамияти исломий мафқурасига хос бўлган чекланганлик, муаммоларни бир томонлама кўриш ва ҳал этиш – жамиятдаги зиддиятлар инъикосидир. Чунки ҳар бир ота-она Отабекнинг ота-онаси каби “орзу” қилишға ҳақлидир. Ўзбек хонадонларида Ўзбекойимлар ҳам бўлиши шубҳасиздир. Зиддиятли қарашлар ва ниҳояси ўйлаб кўрилмаган орзулар эса инсон тақдирини у ёки бу томонға ўзгартириши ҳам ҳақиқатдир. Асар конфликтдаги кундошлик муносабатлари Кумушбиби ва Зайнаб образларини бор ички дунёси билан очиб берар экан, асл гўзаллик ҳаёт билан видолашаётган энг сўнгги дамда ҳам ўз малоҳатию тароватини сақлаб қолишининг гувоҳи бўласан киши. Ёзувчи сингари ҳар бир китобхон ҳам Кумушбиби ўлимиға беихтиёр ёш тўқади...

Абдулла Қодирий ўз халқининг ҳаётини бировлар орқали ва китоблардан билган эмас, у бевосита одамлар билан суҳбат куриб, уларнинг алоҳида жиҳатларини ўзига сингдирган. 1961 йил

рус тилида чоп этилган “Меҳробдан чаён” романининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ёзувчи ўзбек халқи ҳаёти ва тарихини, давр рангларини ёрқин ва сидқидилдан ифода этиб бера олган, қаҳрамонлар феъл-атворини XIX асрнинг 40-йилларига хос шароитларда очиб бера олган. Ушбу янгиликни очишда Абдулла Қодирий ўзбек тарихий романнавислигига асос солади. Ўзининг “Меҳробдан чаён” романида ёзувчи ҳақиқат йўналиши анъаналарини сезиларли бойитган, қаҳрамонларнинг психологик шаклига муҳим ҳисса қўшган, инсоннинг ички дунёсини ифода этишнинг янги усулларини очган, қаҳрамонларнинг феъл-атвори ўзгаришини кўрсатиб берган. “Меҳробдан чаён” романи – икки аср бўсағасидаги Туркистон жамиятининг ижтимоий, ахлоқий ҳаёти ҳақидаги рой-рўст асар. А.Қодирий халқнинг феодал тузумдаги ҳаёт тарзининг ўзига хос моҳиятини очиб беришга интиланган, ҳукмдорларнинг ишларини ва феъл-атворини, маънавий устозларни кўрсатади. Ушбу зиддиятлар тантанавор эмас, улар қаҳрамонларнинг оғир турмушидан келиб чиқади – Абдураҳмоннинг аёлни ўзига бўйсундириш истаги ва Шоҳидбекнинг фитналарига қарамай, Анвар ва Раъно бир-бирини чинакам севади ва оила қуришга ҳаракат қилади.

Гўзаллик, ҳалоллик, олижанобликка интилувчи Раънонинг феъл-атворига хос самимийлик, тоза ниятлик, маънан соддалик ва очиқлик ажойиб образ – ўзбекларнинг орзусидаги қизни гавдалантирган. У Анварни тоза, ёрқин севги ила беғараз ва садоқат билан яхши кўради.

Барча жаҳид ижодкорлари сингари Абдулла Қодирий ҳам ўз ижод намуналари билан ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб борди. Насрий ва драматик асарларида давр муҳитини, яъни ҳақиқатни куйлагани билан ўз ўрнига эга бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Karimov B. «Adabiyot, badiiyat, abadiyat». T.: Xotiralar, badialar, maqolalar. 2004.
2. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
3. Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи (“Ўтган кунлар” ва “Кеча ва кундуз” романлари мисолида). Филол.фанл.номз....дисс-яси. Т., 1994.
4. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 2000.
5. Исломов З., Тўйчиева Г., Юсупова Н. Демократия, ислом ва аёл. – Т., 2006.